

## МАТНИНГ ДИСКУРСИВ ТАВСИФИ

Бердиева Гузал  
СамДЧТИ ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада матннинг дискурсив таҳлили структуравий, прагматик ва семантик жиҳатдан ёритилган. Мазкур мақоланинг назарий асослари сифатида хориж ва маҳаллий тилшуносларнинг нарратив матнга бағишланган назариялари ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** дискурс, прагматика, семантика, лицоний бирликлар, лингвистика.

Матн тадқиқотнинг мураккаб объекти бўлиб, унинг таҳлилида структуравий элементлар ва сатҳларнинг мураккаб иерархик тузулиши ўрганилади [Земская, Качесова, Комиссарова, Панченко, Чувакин:2010;132]. Аспектуаллик вазият ва ҳодисалар семантикаси таҳлили билан боғлиқлиги боис унинг ўрганилиши матндаги дейктик иборалар тадқиқи билан бевосита алоқадордир. Шундай қилиб, каноник нутқ вазиятларида дейктик воситалар сўзловчига қаратилса, каноник бўлмаган вазиятларда эса тингловчига, нарратив вазиятларда бўлса дейктик элемент сўзловчини алмаштирадиган шахсга қаратилган деб таҳлил этилади [Падучева,1996;258–275]. Одатда дейксис вақт (темпорал) ва макон каби турларига ҳам ажратилади. Шу каби аспектуал вазият, ҳодисалар ҳам бевосита ушбу лингвистик ҳодиса билан узвий алоқада. Р. Лэнгакернинг таъкидлашича ҳар қандай феъл иккита асосда, яъни вақт ва макон муносабатида таҳлил этилади. Бунда феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг таркибий қисмида субъектнинг у ёки бу ҳолати тасвирланади. Шунинг учун ҳам акционсартни семантик категориядан кўра прагматик категория таркибига киритувчилар ҳам учрайди. Бу каби қарашларни Б.Фаннинг ҳамда В.Эванс ишларида кузатишимиз мумкин.[Fanning,2002;49-50;V.Evans,2007;22].

Матн доирасида эса, инглиз тилидаги гапларнинг қўлланилиши нарратив тартибда бўлак-бўлак вазиятларни алоҳида аспектуал ҳодисаларни ифодалашини кузатиш мумкин бўлса, ўзбек тилида бири иккинчисига боғлиқ тарзда шаклланади. Бир гап иккинчи гапда ифодаланадиган аспектуал вазиятни тўлдириши мумкин.

Тил тизими турлича сатҳлардан иборат бўлишига қарамасдан, қиёсий типологик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчиларнинг диққат марказида феъл системаси ҳам ўрин тутади. Феъл системаси предикатда фаоллашувига кўра барча тилларда ўзига хос ифодага эгалиги, категорияларнинг хилма-хил таркибини ҳосил қилиши мумкин. Феълга тегишли ушбу ҳодисаларни қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилиш кўзланган мақсадни амалга оширишга хизмат қилади. Хусусан, феълнинг замон, нисбат, аспект каби категорияларни ташкил этадиган семантик майдон таққосланадиган тиллардаги майдоннинг барча сатҳлари учун умумий ҳисобланади [Падучева,2004;61].Семантик майдонда тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик ҳодисалари намоён бўлади. Албатта семантик майдон ва прагматик тушунча кўпгина ҳолларда нотугри талкин қилинишига олиб келадиган мулоҳазаларни учратиш мумкин. Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган тушунчалардан бири бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида ишлатилмоқда.Дискурс атамаси наздида бирор бир маълумотни, маълумот ёки мазмун ифодасини умумлаштирган ҳолда етказиш назарда тутилади. Маълумот эса умумий маънода ахборот етказиш маъноси тушунилади [Deklerk,1991;32].

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган: 1. Сўз муқобили; 2. фаразлардан ўлчами бўйича ўтадиган бирлик; 3. Нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4. Сухбат; 5. Нутқда сўзловчи позицияси; 6. Лингвистик бирликлардан фойдаланиш; 7. Матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган наъарий қурилмалар [Сафаров,2006;3.]. Дискурс атамаси субъектив, ижтимоий-маданий, шунингдек, стереотип, преседент (намунали) фикрлар, монолог ва диалог кўринишидаги нутқий фаолият жараёнини ифодаловчи тушунчаларни қамраб олади. Амалда дискурс-бу матннинг шакилланиш усулидир. Шу нуқтаи назардан Г.Мирсанов дискурсни ҳосил булишида темпорал ва атемпорал воситаларнинг муҳим урин тутишини кайд этади. [Мирсанов,2018;30-31].

Дискурс тахлили матннинг синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлари доирасида кенг фаоллашади. У синтактик жиҳатдан ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатдан эса перлокуивлик хабар эъказишмазмунига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан иборат булган фаолиятни сифатида тавсифлашда кулланилади.

Шунингдек, дискурс лицоний бирликларининг маълум вақтда ва маълум маънода ҳамда узига хос мақсад билан қўлланиши ва уларни бир-бирига изчил боғланиши саналади. [Плунгян, 2009; 13]. Функционал лингвистикада вазифавий таркиб, темпорал жиҳат, жараён-натижа, динамиклик, турғунлик, фаоллик каби дискурс / матн мезонларини белгилашда қарама-қаршиликка асосланган оппозицион ёндашув етакчилик қилади [Сафаров,2008;30]. Шунга кўра “матн-натижа” тузилиши ва функционал “дискурс-жараён сифатида” кўриниши ўзаро мувофиқ келади.

Кўриниб турибдики, дискурс доирасида амалга ошириладиган тахлилларнинг аксарияти аспектвалликка семантикага хос бўлган, жараён-натижа, динамиклик-турғунлик, фаоллик каби хусусиятларни қамраб олади. Шунинг учун аспектвал семантика борасидаги тадқиқотлари гап доирасидан ташқарида, яъни матн таркибида тадқиқ этиш истикболлидек қуриномда. Аспектваллик маъно ҳосил қиладиган лицоний воситаларни яъни матн таркибига қуриб чиққан матн семантикаси, матн грамматикаси каби масалаларни ҳал этиш имконини бериши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сафаров. Ш. Прагмалингвистика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2008,- 30-б
2. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. -Жиззах. “Сангзор”. 2006.-92 б.
3. Земская Ю.Н., Качесова И.Ю., Комиссарова Л.М., Панченко Н.В., Чувакин А.А.: Теория текста: учеб. пособие / Флинта, Наука; Москва; 2010. -132 с
4. Мирсанов Ф.Қ.Юриш ҳаракат фелларининг акционал ва аспектвал хусусиятлари. Фил.фан.номз.Автореф.2018. -23 б
5. Падучева Е.В. Я зыки русской культуры 1996, -464 ст.
6. Плунгян, 2009; 13 почему языки такие разные. АСТ-Пресс,2009,-272 ст.
7. Declerck R.Tense in English: its Structure and Use in Discourse. London 1991 –P 64-305.